

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни улуг айём — Ўзбек тили байрами куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, кейинги йилларда мамлакатимизда янгича руҳда кенг нишонланаётган бу байрамнинг алоҳида файзи ва шуқуҳи борлигини барчамиз яхши биламиз. Ушбу кутлуғ санада миллий қадриятларимиз гултожи бўлган она тилимизнинг тарихимиз ва тақдиримиз, бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, уни ривожлантириш борасида олдимизда турган долзарб вазифаларни янада чуқур ҳис этамиз.

Азиз дўстлар!

Сўнги йилларда Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқлар каби она тилимиз қадри ва нуфузини янада ошириш борасидаги сиёсат ва амалий ишларимиз ҳам янги босқичга кўтарилаётганидан хабардорсиз. Бунинг тасдиғини ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва обрў-эътиборини тубдан ошириш бўйича қабул қилинган тарихий фармон ва қарорлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида она тилимиз нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Айниқса, она тилимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбарида, улкан сиёсий саммит ва учрашувларда баралла янграб, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик воситасига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Вазирлар Маҳкамаси таркибида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳамда Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси самарали фаолият кўрсатиб, гоят муҳим бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таркибида амалий филология ва компьютер лингвистикаси бўйича янги йўналишлар очилиб, ўзбек тилини турли соҳаларда қўллашга оид тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Олийгоҳ қошида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази, 6 та махсус ўқув курси ҳамда Алишер Навоий халқаро жамғармаси ташкил этилгани ҳам айни шу мақсадларга қаратилгани билан диққатга сазовордир.

Ана шу ишларнинг узвий давоми сифатида яқин келгусида асосий вазифаси чет элларда ўзбек тили, маданияти ва миллий анъаналаримизни кенг оммалаштириш, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлган Алишер Навоий халқаро институти фаолияти йўлга қўйилади.

Ўтган қисқа даврда ўзбек тилини чуқур ўрганиш ва ўргатишга хизмат қиладиган 16 та китоб, жумладан, 9 та луғат нашр қилинганини алоҳида қайд этиш лозим. Айни вақтда 5 йилдан иборат "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" фундаментал тадқиқоти вазирлик ва идоралар, таълим-тарбия масканларига, мамлакатимизнинг чет элдаги дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасаларига етказилди. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва юртдошларимизга ўзбек тилини ўргатадиган онлайн платформа, ўзбек тили изоҳли луғатининг мобиль иловаси, хориждаги ватандошларимиз учун махсус веб-сайт яратилгани ҳам албатта муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлгани Ташкилот доирасида иқтисодий алоқаларни кучайтириш билан бирга, туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## “ТИЛ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ”

Тил миллат руҳининг кўзгусидир.  
Тилда миллатнинг бор-йўғи, ўй-фикри,  
дунёқараши, орзу-умидлари, ҳис-туйғулари  
акс этади. Тилдаги ҳар бир сўз, унинг  
ҳар бир шакли инсон тафаккури ва  
туйғусининг натижаси бўлиб, унинг  
ёрдамида бу тафаккур ва туйғулар орқали  
Ватан ва халқ тарихи ифодаланади.

Она тилига ҳурмат ва унинг бебаҳо сўз хазинасидан ўринли фойдаланиш, равшан ва таъсирчан сўзлаб ёза олиш, нутқий саводхонликка эришиш шу тил вакили бўлган ҳар бир шахснинг бурчидир.

Дунёга келган бола ҳақиқий инсон бўлиб етишиши учун жуда кўп нарсаларни билиши керак. У ўзига керакли билимни кўриб, эшитиб ва ўқиб ўр-

ганади. Эшитиб ва ўқиб ўрганиш тил воситасида амалга ошади ва унинг имконияти чексиздир. Агар тил бўлмай, ҳар бир кишининг тириклиги унинг ўз тажрибасига асосланган бўлса эди, инсон шу кунгача ҳайвон қандай яшаса, шундай яшаган ва бугунги моддий, маънавий тараққиётга эришмаган бўларди.

(Давоми 4-саҳифада)



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

### ЯНГИ ТИКУВЧИЛИК МАЖМУАСИ ИШ БОШЛАДИ

Навоий шаҳрида “Janubsanoatmontaj” акциядорлик жамияти негизда лойиҳа қиймати 1,5 миллион доллар бўлган тикувчилик мажмуаси иш бошлади. Замонавий трикотаж маҳсулотлари корхонага ўрнатилган 200 та замонавий тикув машиналарида ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларнинг йиллик ўртача қиймати 16 миллиард сўмни ташкил этади. Дастлабки йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 15-20 фоизи экспортга йўналтирилиб, қолгани ички бозорга йўналтирилиши белгиланган. Корхона иш бошлаши муносабати билан 350 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Отабек АСЛОНОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

БМТ Бош ассамблеясининг  
2007 йил 18 декабрдаги  
резолуциясига асосан 15  
октябрь — Халқаро  
қишлоқ аёллари куни деб  
эълон қилинган ва ушбу  
сана 2019 йилдан буён  
мамлакатимизда кенг  
нишонлаб келинмоқда.



Ушбу сана республикаимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқаришдаги улушини ошириш, муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратиш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ислохотларга ҳамоҳангдир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, 15 октябрь — Халқаро қишлоқ аёллари кунига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Сув ҳужалиги ва-

зирилиги билан Сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси ҳамкорлигида жорий йилнинг июнь ойида “Томорқа майдонларидаги экинларни сугоришда сувдан самарали фойдаланиш” мавзусида танлов эълон қилинган эди. Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган танловда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 100 нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок этди.

Улар томорқада сувни тежаш, сугоришнинг тежамкор ва инновацион усулларидан фойдаланиш бўйича ўз тақлифларини, амалга оширган ишларини фото ёки видео шаклда танлов ҳайъатига жўнатдилар. Ҳакамлар барча ишларни адолатли кўриб чиқиб, турли номинациялар бўйича 30 нафардан зиёд ғолиб ва совриндорларни аниқладилар.

(Давоми 3-саҳифада)

## ЗАМОНАВИЙ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТГЕНИМИЗ КАТТА ИҚТИСОДИЙ САМАРА БЕРАЯПТИ,

— дейди Қўштепа туманидаги “Fergana global textile” МЧЖ раҳбари Мўминжон РАЗЗОҚОВ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Биз кластер ерларига борар эканмиз, аввало атроф-муҳитга эътибор бердик. Янги асфальт қилинган йўллар, йўл четларидаги сув иншоотлари — бетон ва тупроқ ўзанли каналлар, ариқ ва зовурлар, ўрнатилган сув дарвозалари киши диққатини ўзига тортмай қолмайди. Пахта шундай очилганки, биронта очилмаган кўракни тополмайсиз. Илгари шу ерларда 30 центнерга бормаган экан ҳосилдорлик, бу йил 45 центнердан олинди, яна терса бўладиган пахта очилиб қолаётгани ҳам кўриниб турибди. Демак 50 центнерга бориши аниқ,



Ана шу Солижонобод қишлоғида жойлашган “Fergana global textile” МЧЖ пахта кластери ўз ерида қўлланган замонавий суғориш технологиясига бағишланган очик кўргазмали семинарни шу йил баҳорда ўтказган эди. Унга вилоят шаҳар ва туманлари қишлоқ, сув ҳўжалиги бўлимлари,

фермерлар, томорқа ер эгалари, пахта тўқимачилик ва ғаллачилик кластерлари раҳбарлари ва бошқалар тақлиф қилиниб, мавзу доирасида мулоқот бўлган, савол-жавобларга кенг ўрин берилган. Кластер ҳам, томчилатиб сугориш усули ҳам ҳали янги бўлгани учун кўпчилиги унинг кат-

та самара беришига шубҳа билан қарагани ҳам бор гап. Лекин, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари билан Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиги мутахассисларнинг фикрига таяниб, бу усулнинг афзаллиқларини ташвиқ қилишди.

Йиғилганлар томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиялари қисмлари қўйилган кўргазмалар, диаграммалар ва кўрсаткичлар билан танишиб, ўзларига тегишли маълумотларни ёзиб олишгани ҳам бежиз эмас эди. Ўз ҳўжалиқларида ана шундай технологияларни ўрнатиш истагини билдирган фермерлар тажрибалари ҳам мисол қилиб кўрсатилди.



## САМАРҚАНДА 24 МИНГА ЯҚИН САЙЛОВЧИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти сайловини  
ўтказувчи 7-Самарқанд округ  
сайлов комиссиясининг  
навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Комиссия раиси Ф.Тошев бошқарган йиғилишда округ ҳудудидаги участкаларда мuddатидан олдин овоз бериш жараёнининг бориши ҳамда сайловга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 13 октябрдаги “Айрим сайлов участкаларида сайлов жараёнини видео-трансляция қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Унга кўра, 7-Самарқанд сайлов округида овоз бериш куни сайлов жараёни онлайн видео-трансляция қилинадиган 16 та сайлов участкаси рўйхати тасдиқланди.

Йиғилишдан сўнг матбуот анжумани ўтказилди. Унда округ ҳудудида сайловга тайёргарлик ва шу кунлардаги жараёнлар ҳақида маълумот берилди.

Таъкидланишича айни пайтда вилоятдаги 1111 та сайлов участкасининг барчаси сайловга тайёр. Ҳозирда сайлов участкаларида мuddатидан олдин овоз бериш давом этмоқда. Бу жараён бугун соат 19.00 да якунига етади.

14 октябрда бошланган мuddатидан олдин овоз беришда бугунги кунгача 23 минг 839 нафар сайловчи иштирок этди.

Ҳозирда сайлов участкаларига сайловчиларни чақириш учун таклифномалар етказиб берилган. Шунингдек, сайлов пандемия шароитида ўтаётгани инobatга олиниб, бир марталик тиббий ниқоб, антисептик воситалар, комиссия аъзолари учун ҳимоя воситалари ажратилган.

Ҳар бир сайлов участкасига икки нафардан тиббиёт ходимлари бириктирилган.

Якуний рўйхатга киритилган сайловчиларнинг умумий сони 2 миллион 189 минг 526 нафарни, жумладан, биринчи марта сайловда қатнашувчи ёшлар 151 минг 676 нафарни ташкил этмоқда. Тадбирда сайлов жараёниларини кузатиш учун мамлакатимизга келган россиялик журналистлар ҳам иштирок этди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига комиссия раиси ва аъзоларидан жавоблар олди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎА мухбири.



Австралия билан ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари белгилаб олинди

Семинар

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигининг Ахборот-таҳлил ва ресурс марказида "Сув ресурсларини бошқаришдаги ислохотлар" мавзусида Ўзбекистон-Австралия семинари бўлиб ўтди. Вазирлик, Австралиянинг "FORTESCUE FUTURE INDUSTRIES" компанияси вакиллари ва мутахассислари иштирокидаги семинарда австралиялик олимлар, тадқиқотчилар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг мутахассислари ҳам онлайн тарзда қатнашди.



ривожлантиришнинг аниқ мақсадлари, йўналишлари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболлини белгилайдиган, соҳага оид дастурлар ишлаб чиқиш учун асос бўладиган стратегик ҳужжат – Концепция мавжуд эмас эди. Халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Концепцияси бутун моҳияти ва мазмуни билан ана шундай ҳужжат бўлди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг ўн йилдан кейинги даврда сув ресурслари бўйича қутилаётган ўзгаришларга тайёргарлигини белгилловчи ўзига хос дастур ҳисобланади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди. Стратегия республика миқдорида сув танқислигининг олдини олиш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва соҳани янада ривожлантириш орқали, энг аввало, ҳаётимиз фаровонлигининг ҳар томонлама тўқис бўлишини таъминлашга қаратилган.

Семинарда Концепция ва Стратегия доирасида мамлакатимизда сув ресурсларини бошқаришдаги ислохотлар, уларнинг асосий йўналишлари, эришилаётган натижалар муҳофизат қилинди. Австралия билан ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари белгилаб олинди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги матбуот хизмати.

Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон Стратегияси" китобида таъкидланганидек, глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви жаҳон мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик сув таъминоти даражасини пасайтира бошлади. Шу боисдан барча мамлакатларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда ҳам мазкур масала долзарб бўлиб қолмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш давлатнинг мудом диққат марказида турибди.

Семинар очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигининг биринчи ўринбосари Азимжон Назаровнинг эътирофига, Ўзбекистон ва Австралия минглаб қақирим масофада жойлашган бўлсада бу икки

Ўзбекистон ва Австралия: СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ЎХШАШ ЖИҲАТЛАР КўП

мамлакатнинг сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни самарали бошқариш бўйича ўхшаш жиҳатлари кўп. Сув танқис бўлган ҳудудда жойлашган Австралия соҳани ислох қилиш бўйича кейинги ўттиз йил ичида катта йўлни босиб ўтди ва улкан тажриба тўплади. Хусусан, сув ресурсларини бошқариш ва ундан фойдаланишнинг энг илғор ва инновацион усуллари қўллашга интиломоқда. Семинардан кўзланган мақсад ҳам сув ҳўжалиги соҳасида Австралия

тажрибасини ўрганиш, энг муҳим ва самара берадиган ютуқларни жорий этиш, шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар билан хорижий мутахассисларни таништиришдир.

Семинар очилишида Австралиянинг "FORTESCUE FUTURE INDUSTRIES" компанияси раҳбари Джулия Шуттлворд сўзга чиқиб, мазкур компаниянинг мақсади шамол, сув ва қуёш каби муқобил энергия манбаларидан

фойдаланишни ривожлантириш сайёра миқдорида глобал ислох таъсирини камайитиришга ҳисса қўшишга қаратилганлигини таъкидлади. Австралия ва Ўзбекистон ўртасида сув ҳўжалиги соҳасидаги алоқаларни кучайтириш, янги истиқболли лойиҳаларни йўлга қўйиш ва кадрлар малакасини ошириш каби йўналишларда катта ўзгаришлар қилишга тайёргарлигини билдирди.

Сув танқислиги йилдан-йилга ошиб бораётганига қарамадан, мамлакатимизда сув ҳўжалигини



ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ (Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиб, кўп жойларда бўлганман. Ўзбек қишлоқ аёлларининг турмуши, меҳнат шайоҳатларини кўзатганман, – дейди Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги вакили Гёбель-Бёш Рахель хоним. – Уларнинг мамлакат қишлоқ ва сув ҳўжалигида соҳасидаги меҳнатлари таҳсинга сазовор. Айниқса, қишлоқ жойларда аёлларнинг уй ҳўжалигида сувни тежайдиган усуллардан фойдаланишга тўғри келган катта таассурот қолдирди. Умид қиламанки, айнан сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш бўйича ислохотларда бундан кейин ҳам хотин-қизлар фаол иштирок этадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Халқаро қишлоқ аёллари кўни билан барчани табриклайман. Тадбирда танлов ғолибларига совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз.



БУХОРО ВИЛОЯТИ

Янги лойиҳа амалга ошса қўшимча 1000 та иш ўрни яратилади

Бухоро вилояти Олот туманидаги "Мергантекс" масъулияти чекланган жамияти пахта хомашёсига бирламчи ишлов беришдан тортиб тайёр кийим-кечак тикшишга бўлган барча жараёнларни қамраб олган улкан кластерлардан. 880 киши меҳнат қилаётган кластер йилга 30 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Утган йили бу ерда жами 240 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспорт ҳажми 6 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Келгуси йил кластерда табиий ва кимёвий толадан тайёр кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Қиймати 25 миллион доллар бўлган ишбу лойиҳа натижасида экспорт ҳажми 30 миллион долларга етиши, қўшимча мингта иш ўрни яратилиши мўлжалланган. Темур МАМАДАМИНОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЗАМОНАВИЙ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТГЕНИМИЗ КАТТА ИҚТИСОДИЙ САМАРА БЕРАЯПТИ,

– дейди Қўштепа туманидаги "Fergana global textile" МЧЖ раҳбари Мўминжон РАЗЗОҚОВ



"Fergana global textile" МЧЖ кластери 2018 йилда ташкил этилган бўлиб, қисқа даврда ўзига хос тажрибага эга бўлди. Дастлабки йили бу технология кам ер майдонларида қўлланилган. Кластер ерлари асосан сув тақчил бўладиган ҳудудда жойлашган, авжи вегетация даврида сув келиши қийинлашарди. Томчилатиб суғориш усули қўлланилгандан кейин бу гапга ҳолат қолмади.

Мавжуд сув ресурсларининг салмоқли қисми экинлардан мўл ҳосил етиштиришга сарфланиши боис, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш долзарб масала деб қаралди. Шунинг учун сув тежовчи технологиялар жорий этилган, ҳосилдорлик кўтариллиши билан бирга сувни тежайиш имконияти ҳам озога келди. Кластер дунёдаги етакчи компаниялардан бири Исроилнинг "Netafim" компанияси билан ҳамкорликда автоматик тарзда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этди. Лойиҳадаги ҳовуз 162x42 метр узунликда бўлиб, 17000 м³ сув сийғимини ўз ичига олди. Ҳовузни сув билан таъминлаш мақсадида аввал 2 та, кейинроқ яна 2 та тик қудуқ қазиб битказилди. Тежамкор усулдаги бу технология билан 215 гектар экин майдони томчилатиб суғорилади.

Шундан 187 гектари пахта майдони, 28 гектари бошоқли дон экинлари. Бу технологиянинг афзалликлари жуда кўп. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра ушбу технология асосида суғориш аънавий усулларга қараганда икки марта кўп сувни тежайди. Усуналар ва автоматик консалтинг қиймати 520 минг АҚШ долларига тенг. Молиялаштириш кластер ҳисобидан бўлади. Лойиҳанинг қиймати 18 ойда қопланади. Ҳосилдорлик 45,1 центнер бўлиши қўйлапти. Қўштепа туманининг чўл ҳудудига қирадиган бу ерлар кластер кириб келгани туфайли сөрхосил ва даромадли далага айланди. Кластер ўз маблағига сотиб олган 1 та экскаватор қисқа вақт ичида худудидида зовурларни, сув юриши қийин бўлган ариқларни пешма-пеш тозалаб, равонлаштириб бормоқда. Кластер икки йилда 5 та юқори унумли "Фумо", 10 та "МТЗ-80" 27 та чопиқ трактори, 20 та "ОВХ" пуракчилик трактор сотиб олди. Улар ҳам тинимсиз ишлатилаётир.

Кластер 2018-2019 йилларда илгари турли сабаблар билан ҳисобдан чиқиб кетган 50 гектар ерни қайта фойдаланишга қайтаргани ҳам ибратли ишлар қаторига қиради. Бу ерлар ҳам асосан

сув етишмаслиги сабабли экин экилмай қўйилган эди.

МЧЖ агрономи Эрмуҳаммад Шодиев кластер ихтиёридаги жами 1600 гектар ернинг пахтага ажратилган қисмида терим суръати оширилаётгани, томчилатиб суғорилган ерлардан гектарига кўзланган 45,1 центнердан ҳам ортиқ ҳосил олинаётгани жуда қувончли деди. Демак томчилатиб суғориладиган технология ўзини оқлапти.

– Биз далапаримизга олимларни, тажрибасизларни таклиф қилиб, улардан йўл-йўриқлар олиб турганимиз ўз самарасини берди, – дейди кластер раҳбари Мўминжон Раззоқов. – Шу туфайли 213 гектар ердаги пахта кўзланганидан ҳам зиёда бўлди. Узимиз этиштирган пахта хомашёсини ўзимиз қайта ишляпмиз ва шу ерда пахта толасидан мато тўқийдиган ва тўқилган матоларни тайёр кийим-бошлар қилиб тикадиган корхоналар барпо этаёلمиз. Биринчи ўринда пахтазорини тўла томчилатиб суғоришга келаси йилги ўтказамиз. Бунинг учун давлат субсидия ажратаётганидан хурсандимиз.

Кластер мутахассислари билан туман ирригация бўлими мутахассислари кўп ҳолларда биргаликда муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорлик қилдилар. Кластер сув таъминоти бўйича мутахассиси Баҳодиржон Ҳусанов, насослар бўйича электрик Нурали Уриниш ва бошқаларга туман ирригация бўлими бошлиғи Аҳроржон Раҳимов, бош гидротехник Ҳусанбой Шамсиддинов каби ирригаторларнинг бериб турган ёрдамлари бугунги кунда яхши самара бергани кўриниб турибди.

Кластер худудидида бетон ва тупроқ ўзани каналлар, ариқ ва зовурлар ички имкониятдан келиб чиқиб ҳалқар йўли билан таъмирлангани далалар чиройини янада очиб юборди. Бундай қўрқам жойда меҳнат қилиш мароқли эканини одамларнинг юзидан ҳам билиш мумкин. Б.ҲАМИДОВ

ЯШНОБОД ТУМАНИДА СИНОВ ТАРИҚАСИДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Аҳолини рўйхатга олиш расмий статистика тизимидаги асосий роль ўйнайдиган муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, бунда аҳоли сони бўйича аниқ ва ишончли маълумот олиш имкони пайдо бўлади.

Тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, жорий йилнинг 1-25-ноябр кунлари аҳолини синов тариқасида рўйхатга олиш тадбири Андижон вилоятининг Хўжаобод, Тошкент шаҳрининг Яшнобод, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманлари ҳамда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида ўтказилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда Яшнобод туманида ҳам бу борада кенг қўламда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Мазкур тадбир учун Яшнобод туманида 38 нафар участка раиси ва раис ўринбосарлари, 188 нафар инструктор ва стационар ҳамда 472 нафар рўйхатга олу-

чи ходим ҳудудий комиссия аъзолари томонидан танлаб олинди. Бугунги кунда танлаб олинган ходимлар билан фуқаролик тусидаги меҳнат шартномасини тузиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда танлаб олинган 698 нафар ходим Давлат статистика қўмитасининг тегишли қарорига асосан ўқитилмоқда.

Бахтиёр БОЙМУРОДОВ,

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи.



СИРДАРЁДА БИТТАГИНА

Сайхунободлик Шоирахон Шаматовани уч-тўрт йил олдин тумандагилар яхшигина тадбиркор сифатида танишар эди. Ҳайрати жўш урган бу аёл ерга меҳри ўзгачалиги сабаб ўзи анча йиллардан буён орзу қилиб юрган "Олимжон қизи Шоирахон" фермер ҳўжалигини ташкил қилиб, дастлаб 120 гектар ерда дехқончилик қила бошлади. Отаси Олимжон аканинг дехқончилик энг ҳалол, энг савобли меҳнат тури деб айтган ўғитларига амал қилиб, астойдил меҳнат қилди.



Агротехника қондаларига амал қилиб, қишни қиш, ёзни ёз демай қилган меҳнатлари зое кетмай пахта ва ғалла режаларини ортиғи билан бажариб, элнинг назарига тушди. Бу орада фермернинг дала майдони 200 гектарга кенгайди. Утган йили ҳукуматимиз томонидан пахтаги пахта териш машиналари билан қисқа фурсатларда териб олиш масаласи кўтарилганда, ҳеч иккиланмай АТБ Агробанкнинг Сайхунобод туманидаги филиалидан 1 млрд. 300 млн. кредит олиб, СЕ-220 маркали пахта териш машинасини сотиб олди. Қисқа фурсатларда "Пўлат от"нинг сир-асорларини ўрганиб, рулга ўзи ўтирди. Биз Шоирахонни йўқлаб унинг фермер ҳўжалигига борганимизда уни "Пўлат от"ида пахта тараётган қизгин паллада учратдик.

– Ҳорманг, Шоирахон! Бу улкан машинани бошқариш аёл кишига оғирлик қилмайдими?, – деб сўраймиз ундан. – Асло, – дейди кўзлари қақнаб пахтакор аёл. Ёшлигимдан энгил автомашина бошқариб юрганлигим боис буну жуда тезда ўрганиб олдим. Бу машина илгариларидан анча фарқ қилади. Унинг барча усқуналари аниқ ва пухта ишланган. Рули гидравлика, энгил айланади, ҳайдаган сари ҳайдагинг келади. Кунига 10-11 тонна пахта тараётман. Утган йили мавсумда 120 тонна пахта терган эдим, бу йил 200 тоннани мўлжаллаб турибман. Даладаги пахталарни теримчи олмай 100 фоиз машинада териб олишга аҳд қилганман. Яқинда 34 центнердан ҳосилдорликка эришиб йиллик пахта режамини бажардим. Ҳали далада пахта кўп. Бу йил Худо хоҳласа 700 млн. сўм даромад қилишни кўзлаб турибман.

– Шоирахон ўзининг фидокорона меҳнати туфайли сўнги йилларда нафақат туманимизда, балки вилоятимизда ҳам илғор фермерлар сафида бормоқда. Айниқса, пахта териш машинасини бошқариб, кунига 10 тоннадан зиёд "оқ олтин" териб вилоятимиз аёлларининг ҳавасини уйғотмоқда. У ҳозирги куннинг замонавий аёл фермери. Қисқа айтганда, Сирдарёда биттагина аёл механизатордир, – дейди Сайхунобод тумани ҳокимининг қишлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Акмал Қўлтоев.

– Кўн бўйи даладасиз, 4 нафар фарзандларингиз бор экан. Уларнинг тарбияси билан қачон шугулланасиз, – дея сўрайман фермер-механизатор аёлдан.

– Оила муқаддас, у албатта биринчи ўриндаги масала. Дала юмушларимда, фарзандлар тарбиясида менга энг катта кўмакчим ва суянчим умр йўлдошим Икром ака Ермонкулов бўладилар. У кишининг оилапарварлиги, меҳнатқашлиғи туфайли меҳнат жамоамиз билан яхши натижаларга эришяпмиз. Икки ўғил, икки қизни вояга етказаяпмиз. Тўнғич ўғлим Ойбежон Тошкент давлат техника университети талабаси. Қизим Шаҳризода туман марказидаги 6-умумтаълим мактабда ўқиб билан бирга спорт билан жиддий шугулланади. У 7 карра Ўзбекистон чемпиони. 2015-йил Малайзияда, 2017-йил Таиланда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, 2 карра Жаҳон чемпиони бўлган. Муҳаммадали ва Гулҳаё фарзандларим мактаб ўқувчилари, – дейди у. Келажақдаги орзулари ҳақида сўраймиз яна ҳақрамонимиздан.

– Соғ-саломат бўлиб, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига имконимиз қадар ҳисса қўшиш ва фарзандларимиз камолини кўришдир. Бошқа нарса керак эмас, – дейди йўлаб ҳам ўтирмай Шоирахон.

Дарҳақиқат, ҳар қандай аёл учун яқинларини саломатлиги, фарзандларининг камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ бу дунёда...

Шухрат СУЯРОВ

"Энг буюк унвон сизлар учун оналик эканлигини яхши биламиз..."

# ФИДОЙИ ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида 15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда дастлаб сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган, турли тармоқларда самарали меҳнат қилаётган қишлоқ аёлларини табриклар, жумладан, шундай деди:



Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирокини таъминлаш, истеъдодларини рўёбга чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, сиёсий ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Ҳар бирингиз оилада вафодор ёр, меҳрибон она, жамиятимизда меҳнаткаш ва заҳматкаш аёлларимизсиз. Сизларсиз нафақат оилани, дунёни тасаввур қилиш жуда қийин. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатларингиз доимо эътиборимизда. Биз сизлар билан фахрланамиз, турли унвонларга тавсия этамиз. Лекин энг буюк унвон сизлар учун оналик эканлигини яхши биламиз...



қилмоқдалар. 688 минг гектардан орттиқ томорқа ерларида асосан аёллар меҳнат қилиб, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек шарфли ишга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Таъкидлаш керакки, жорий йилда "Қишлоқ хўжалигида инклюзив сиёсатни қўллаб-қувватлаш ва гендер тенглик тўғрисида ҳабардорликни ошириш" лойиҳаси доирасида ўнга яқин семинарлар, хотин-қизлар билан

мулоқотлар ташкил этилди. Тадбирда БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти хусусида сўз юритилиб, бу йил унинг 76 йиллиги нишонланаётганлиги таъкидланди. ФАО Қишлоқ хўжалиги ва мамлакатнинг агросаноат комплекси билан боғлиқ бошқа ташкилотларига аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, айниқса, қишлоқ аёлларининг эҳтиёж ва манфаатларини ҳисобга олган

сиёсий тадбир ҳамда ечимларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш имкониятларини ривожлантиришга, мустаҳкамлашга ёрдам бераётгани қайд этилди. Тадбир сўнггида сана муносабати билан Ўзбекистон "Аграр соҳа аёллари" уюшмаси раҳбари А.Аҳмеджонова муаллифлигида "Олима аёллар" китоби ҳамда "Илм юлдузлари" номли ҳужжатли фильмнинг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

"Халқаро қишлоқ аёллари куни" ва Бутунжаҳон озиқ-овқат куни муносабати билан Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Аграр соҳа аёллари" уюшмаси, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган байрам тадбирида тегишли соҳа вакиллари сўзга чиқиб, йиғилганларни табриклади ва эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, таниқли санъаткорлар иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати.**

# "ТИЛ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ"

(Боши 1-саҳифада)

Тилнинг биринчи маърифий аҳамияти шундан иборатки, тил туфайли жамият аъзоларининг ҳар бирида ҳосил бўлган билим оммалашиб унинг кўпчилик томонидан ривожлантирилишига имкон туғилади. Ундан ташқари, тил туфайли билим авлоддан-авлодга оғзаки ва ёзма тарзда қолдирилади, натижада янги авлод ўтган авлоднинг ишини янгидан бошламасдан, уни давом эттиради.

Она тили – миллатнинг руҳи, унинг ор-номуси, маънавий қиёфаси, орзу-умидларнинг намунасидир. Она тили миллатнинг бирлиги ва бирдамлигининг тимсолидир. У миллатни ягона халқ сифатида ўз атрофида бирлаштиради ва дунёда борлиқни таъминлайди. Ҳар бир миллатнинг ўз Ватани, оиласи бўлини каби унинг жонажон ва бетакрор она тили ҳам бўлади. Инсон учун унинг Ватани, ота-онаси, оиласи қанчалик қадрли бўлса, унинг она тили ҳам шу қадар азиз ва муқаддас бўлади.



Тил миллатнинг буюк бойлиги, бебаҳо хазинаси, туганмас мулкидир. Чунки миллатнинг тарихи, унинг маданий-маънавий мероси, урф-одатлари ва анъаналари унда мужассам бўлади. Шу сабабли она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитишимиз ва авлодларга тўлиқлигича етказишимиз керак.

Давлат тилини ўрганиш, унга амал қилиш табиий эҳтиёж ва заруратта, ҳатто англандан мажбуриятга айланиб бормоқда. Ўзбек тилида тўғри, ифодали сўзлаш ва ёзиш, она тилимизнинг софлиги ва бойлиги тўғрисида тинмай гаҳмўрлик қилиш, унинг истеъмоли доирасини кенгайтириб бориш халқимизнинг бурчи саналади. Хусусан, ҳар бир ёш ва ўқувчи ўз она тилидаги сўз бойлигини ошириш ҳамда тил имкониятларидан ўринли фойдаланишга доим ҳаракат қилиши лозим. Сўз фикр қуролидир, киши қанчалик кўп сўз билса, унинг фикрлаш доираси, дунёқараши ҳам шунчалик кенг бўлади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, тилни севиш, уни ардоқлаш, миллатни севиш ва уни қадрлаш билан тенг ҳисобланади. Ҳар қайси халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти унинг тилида ўз ифодасини топади. Тил – миллат ифтихори, деб бежиз айтилмаган. Халқимизнинг неча асрлик бой тарихи, кўҳна ва серқирра маданияти ўзбек тили таъсирида шаклланган. Улуғ шоиримиз Алишер Навоий шу тилда бебаҳо асарлар яратиб, дунёни лол қолдирган. Бугунги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларида давлатимиз делегациялари ташрифи, ёшларимиз ютуқлари, спортчиларимиз ғалабалари шарафига ўзбек тилида мадҳиями қўйланаётир.

Биз ўз она тилимизни асраб-авайлашимиз, унинг нуфузини оширишимиз, гўзал ва софлигини авлодларга мерос сифатида қолдиришимиз, дунёга танитишда ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. "Тил яшаса, миллат яшайди". Агар биз ўз тилимизнинг кўркамлиги, бойлигини дунёга тараннум этсак, юртимиз янада чароғон ва бирлигимиз мустаҳкам бўлади.

**Ақмал МАМАЖОНОВ,**  
Республика маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи.  
ЎЗА

## Медиасаводхонлик:

### ОАВдаги ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Миллий матбуот марказида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 32 йиллиги ва Ўзбек тили байрами куни муносабати билан айни мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

ОАВ ходимлари, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, талабалари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган давра суҳбатида ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, она тилимизнинг ўзига хос жозибаси ва бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида тил қондаларига қандай ривож этилаётгани хусусида сўз юритилди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишида айнан матбуот катта роль ўйнагани, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистоннинг кўзга кўринган зиёлилари, ёзувчилар, таниқли журналистлар, тилшунослар оммавий ахборот воситалари минбаридан туриб, она тилимизнинг кадр-қимматини оширишга муносиб ҳисса қўшгани таъкидлаб ўтилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бугунги кунда матбуот ва интернет нашрлари, телевидение ва радио каналларида "Давлат тили ҳақида"ги қонунда белгилаб қўйилган қондаларга қай даражада амал қилинмоқда, улардаги саводхонлик кўрсаткичидан намуна олсак бўладими? Минг афсуски, бу борада мақтана олмаيمиз, хато ва камчиликлар кўп, шу боис зудлик билан тузатиш чораларини кўриш зарур.

стилистик хатолар жуда кўп учраётгани ва буни батараф этиш учун чоралар кўриш лозимлиги қайд қилинди. Латин алифбосига ўтиш масаласида дуч келинаётган муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Маълумки, 2022 йилнинг декабрига қадар марказий, маҳаллий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари, нашриётлар, матбаа корхоналари фаолияти тўлиқ лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига ўтказилиши белгиланган. Тахририятларда турли ёшдаги ходимлар фаолият олиб бораётгани, айрим журналистлар кирилл алифбосида ижод қилиши сабабли бу жараён муайян тайёргарлик кўришни тақозо этади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан "Yurida Nusa" корхонаси томонидан "Ишонч" – "Ишонч Доверие" тахририят молиявий кўмагида кирилл ёки лотин алифбосида матнларнинг орфографик бехато ёзилишини таъминлашга мўлжалланган "Yurida-Orfo" компьютер дастури яратилди ва ОАВ тахририятларида ўрнатилган ишлари бошлаб юборилди. Тадбир доирасида 150 та босма нашрга "Yurida-Orfo" дастури (сертификатлари) бегараз ёрдам сифатида топширилди.

Ўзбек тили байрамига бағишланган тадбир кўтаринки руҳда ўтди. Оммавий ахборот воситаларини саводхонлик кўзгусига айлантириш юзасидан кўплаб тақдирлар билдирилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоб олди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Эслатма

### ТАБИИЙ ГАЗ ВА ИСИТИШ ПЕЧЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

**Албатта, ёнгинг хавфсизлиги қондаларига амал қилиш, ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари хусусида мунтазам чиқишлар қилиш фойдадан холи бўлмайди. Тошкент тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари ҳам аҳоли ўртасида, мактаб, боғчалар, корхоналарда мунтазам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.**



бепарво бўлиб, улардан фойдаланиш қондаларига ривож этмайдилар, эҳтиётсизлик ва эътиборсизликларга йўл қўядилар. Бу эса аксарият ҳолларда ўнглаб бўлмас оқибатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

#### Ҳурматли ҳамюртлар!

Ёнгин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, ёнгинларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида қуйидагиларни яна бир бор эслатиб ўтаемиз: иситиш печларини мавсум олдида таъмирлатиб, мўриси тозаланган, газ ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қондаларига тўлиқ риоя қилинг, газ билан иситиладиган печларнинг соз ҳолда ишлашини мунтазам равишда назорат қилиб туринг, тунда уларни ўчириб қўйишни унутманг, газ мосламаларидан фойдаланишни ёш болаларга ишончи топширманг, газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг, ёниб турган газ плитаси устида кир қуритманг, хонани тез-тез шамоллатиб туринг, газ ҳидини сезсангиз, учкун чиқарувчи мосламаларни ёқманг! Шу ва шу каби қондаларга қатъий амал қилинг! Зеро, оловдан эҳтиёткорлик билан ва тўғри фойдалансанг, ҳаммиса сергак ва ҳушёр бўлсанг, ҳар бир кунимиз тинч ва осуда ўтади.

Ўт баalosидан жабр чекмаслик учун ҳаммиса хавфсизлик қондаларига амал қилайлик!  
**Б.С.ИРСИМБЕТОВ,**  
Тошкент тумани ФВБ П ва НБ инспектори, сержант.

#### Тахрир ҳайъати:

Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Шўхрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТООИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Оффсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бунюртма Г-1047. 1924 нускада chop этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.



**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2030-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 21.40